ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ХИВА ТУМАН ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
XIVA TUMAN HOKIMI
QARORI

2019 йил 19 08 № 10561 Хива тумани

Хива туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимига тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари (Ш.Нарбаев), туман халқ таълими бўлими (Х.Қодиров), тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

4. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (О.Машарипов)га маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими

бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор “Хива тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Нарбаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **О. Матякубов**

Туман Хокимининг 2019 йил
августдаги 1056/ -сонли қарорига илова

Мактаб ёшидаги болаларни ўқишга тўлиқ жалб қилиш бўйича умумий ўрта таълим мактабларини маҳаллаларга бириктирилиши

	Мактаб номи	Мактаб ёшидаги ўқувчиларни қабул қилиш учун белгиланган ҳудуд
1	1-мактаб	“Чинобод” МФЙ Парлоқ кўчаси 1-уй
2	2-мактаб	“Индавак” МФЙ Хур ўлка кўчаси 86-уй
3	3-мактаб	“Полосултон” МФЙ Султон Увайсий кўчаси 6-уй
4	4-мактаб	“Оқ кўл” МФЙ Қалб гавҳари кўчаси 3-уй
5	5-мактаб	“Шомохулум” МФЙ Тинчлик кўчаси 101 уй
6	6-мактаб	“Гандимён” МФЙ Нурли ҳаёт кўчаси
7	7-мактаб	“Оқёп” МФЙ Оқёп маҳалласи
8	8-мактаб	“Полосултон” МФЙ Абдулла Авлоний 47-уй
9	9-мактаб	“Гулшан” МФЙ Гулшан 1-уй
10	10-мактаб	“Қушчи каттабоғ” МФЙ Саховат кўчаси 15 уй
11	11-мактаб	“Чанашик” МФЙ Диёр кўчаси
12	12-мактаб	“Варағзон” МФЙ Зироатчи кўчаси 41-уй
13	13-мактаб	“Истиқлол” МФЙ Гулчирой кўчаси 66 А уй
14	14-мактаб	“Арвик” МФЙ Бойсул кўчаси 2-уй
15	15-мактаб	“Журён” МФЙ Навоий кўчаси 10-уй
6	16-мактаб	“Соёт” МФЙ Мухандислар кўчаси 1-уй
17	17-мактаб	“Чинобод” МФЙ Чинобод гавҳари кўчаси 50-уй
18	18-мактаб	“Пирнахос” МФЙ Миллий Ғурур кўчаси 63-уй
19	19-мактаб	“Пишканик” МФЙ Ўрнак кўчаси 52-уй
20	20-мактаб	“Ал-Хоразмий” МФЙ Авесто кўчаси 46-уй
21	21-мактаб	“Дашёқ” МФЙ Тинчликсевар кўчаси 1-уй
22	22-мактаб	“Оқёп” МФЙ Сирчали кўчаси 21-уй
23	23-мактаб	“Гандимён” МФЙ Қорий бува кўчаси
24	24-мактаб	“Индавак” МФЙ Жундиён жилоти кўчаси
25	25-мактаб	“Истиқлол” МФЙ Хон йўли Осиё кўчаси
26	26-мактаб	“Журён” МФЙ Тинчлик кўчаси 1-уй
27	27-мактаб	“Чанашик” МФЙ Шарқ юлдузи 36/1-кўчаси
28	28-мактаб	“Шомохулум” МФЙ Зиёлилар кўчаси 63-уй
29	29-мактаб	“Қоракум” МФЙ худуди
30	30-мактаб	“Хорвуз” МФЙ Садо, Хамса, Нурли булок, Олтин куз, Жаннат, Байрам кўчаси
31	31-мактаб	“Шўркўл” МФЙ Гаш элати
32	32-мактаб	“Гандимён” МФЙ Хислат кўчаси 4-уй
33	33-мактаб	“Дашёқ” МФЙ Равот кўчаси 49-уй
34	34-мактаб	“Қаттибош” МФЙ Мусаффо осман кўчаси 1-уй
35	35-мактаб	“Журён” МФЙ Журжаний кўчаси
36	36-мактаб	“Пирнахос” МФЙ Юсуф Хамадоний кўчаси 6-уй
37	37-мактаб	“Шўркўл” МФЙ Оқсарой кўчаси 57-уй
38	38-мактаб	“Аваз дунак” МФЙ Дарғалар кўчаси 76-уй
39	39-мактаб	“Оқ-кўл” МФЙ Оқ кўл кўчаси 1-йўлак
40	40-мактаб	“Пирнахос” МФЙ